



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 183 (8923).

• 1986 йил 26 сентябрь жума •

Баҳоси 3 тийин.

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПАХТА ТОЛАСИ УЧУН

АГРОСАНОАТ комплекси ходимлари: деҳқонлар, пахта тазовчилар, барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳаётида гоёат муҳим ва масъулиятли дамлар бошланди. Бешоён даладарда ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили «оқ олтин» ҳосилини гишиб етилди. Ҳамма ерда ана шу ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб, саранжомлаб олиш учун қизғин кураш бошланди кетди. Жуда кўп қолхоз ва совхозлар, бригадалар, бўлимлар ҳосилини нобудгарчилик-сиз, ёғин-сочини қуяларга қолдирмай ўз кучлари, техникалари билан йиғиб-териб олиш ташаббуси билан чиқмоқдалар. Улар Ватанга тола чиқими яхши ва сифатли пахта топшириш шiori билан меҳнат қилмоқдалар.

Бу улугъ ният ва мақсадни рўйбага чиқариш учун бизда барча асос ва имкониятлар бор. Эндиликда ишлар ўзгача тарзда олиб борилаётган. Бир вақтлар ҳужим суриб келган ва пахтачиликнинг истиқболли сабабни таъсир қилган иллатлар — қўшни ёғин, ҳақиқий аҳволи бўлиб кўрсатилди, ҳайбарақаллачилик сингари хатти-ҳаракатларга барҳам берилди. Партия ва ҳукуматимизнинг амалий ёрдами туфайли ҳар бир район ва хўжаликда қишлоқ меҳнаткашларининг ердан, сувдан, техника ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиб, иккинчи меҳнат қилишлари, эл бойлигини тиймай қўлайтириб боришлари учун қўлай шарт-шароитлар яратилди. Пахтанинг ҳарид нархлари оширилди. Деҳқонлар билан пахта тазовчилар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Эндиликда ҳар бир хўжалик фаолиятига у давлатга топширган ҳам ашёнинг миқдорига қараб эмас, балки тола сифати ва чиқими қараб баҳо берилмайдиган бўлди.

Бу соҳада бошланган тажриблар иккинчи натижалар берди. Деҳқонларнинг мўл ва сифатли пахта етиштиришдан маънафатдорлиги ортди. Йил охирида пировард натижаларга қараб қўшнича ҳақ тўлаш жорий қилинди. Юқори сортли, тола чиқими сифатли пахта топширган хўжаликлар, бригадалар мўлай даромад ола бошладилар. Шунинг учун ҳам ўтган йили областимизда давлатга пахта толаси топшириш плани орғини билан бажарилиди.

Пландаги 131 минг 300 тонна ўрнига 131 минг 653 тонна сифатли тола олинди. «Пискент», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги». Буна пахта тазовлаш заводлари, айниқса, яхши натижаларга эришдилар. Чиноз район деҳқонларини ҳам баракали меҳнат қилиб, пландаги 8808 тонна ўрнига 9788 тонна тола олдилар. Шу райондаги Навоий номи колхозда тола чиқими салкам 35 проценти ташкил этди. Бундай миқдорларни ҳар бир район ва колхоздан келтириш мумкин.

Бу йил ҳам деҳқонларимиз ўтган йилги муваффақиятларини мустаҳкамлаш, давлатга тола сифати юқори бўлган мўл-кўл «оқ олтин» етказиб бериш учун барча зарур имкониятларни амалга оширдилар, қийинчиликларини мардона меҳнатлари билан енгиб, катта-катта майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Вазифа ана шу ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олишдан иборатдир. Чунки ҳосилнинг барвақт, ёғин-сочини қуяларга қолдирмай ўз вақтида йиғиб-териб олиниши — тола чиқими сифатли пахта тайёрлашнинг муҳим омилдир.

Илгор районлар, қолхоз ва совхозлар дастлабки кунлардан оқ олтин уюшқоқли билан ташкил этилмоқдалар. Дефолантининг ўз вақтида пахта тазовчи ташкил-набав, терим машиналарининг кенг фойдаланилиши шартлиги учун зарур шарт-шароитларни яратмоқдалар. Бу ҳақда ҳар қилган област матбуот марказига, «Тошкент ҳақиқати»нинг «Ҳосил-86» пахта штабига хушхабарлар келиб турпти.

Афсуски, терим суратини кучайтириш, даладарини машина теримига барвақт тайёрлаш имкониятларидан ҳамма ерда ҳам оқилона фойдаланилган, деб бўлмайди. Аввало шунинг айтиш керакки, машиналар қирини қийин бўлган пайкаларда очилган пахталар кўп бўла туриб, уни тезроқ йиғиб-териб олишда сустхалик кўрсатилмоқда. Кўпгина қолхоз ва совхозларда меҳнатга яроқли қишлоқ аҳли теримга тўла сафарбар этилмаган.

Масалани, Бекобод, Пискент районларидаги кўпгина хўжаликларда қолхозлар ва совхозларнинг ишчилари ўзларининг шахсий юмушлари, томоқхона хўжалигини ишлари билан банд бўлган ҳолда раҳбарларга турли муассаса, ташкилот, идораларнинг ишчи-хизматчилари пахта теримига олиб чиқилмоқда.

Ҳар йилдагидек бу йил ҳам терим тақдирини машиналар, механизматорлар ҳал қилади. Машинада терилган пахтанинг сифати, тола чиқимининг саломати эса дефолантининг нечоғлини ўз мўлдатидан ва маромидан ўзгаришга олиб, даладар, техникани машина теримига қандай тайёрлашга боғлиқдир.

Афсуски, бу соҳада ҳам камчиликларга йўл қўйилди. Кўпгина районлар, қолхоз ва совхозлар дефолантин мўлдатини тўзиб юбордилар. Хусусан, Янгийўл районидан ана шундай аҳвол содир бўлди. Баъзи жойларда эса машиналар қайрилган ерларни тайёрлаш вақтида амалга оширилмади. Айниқса, бу соҳада Пискент, Ғалаба, Янгийўл районларида хатоларга йўл қўйилди.

Деҳқонларимизнинг пешона тери билан етиштирилган ҳосилни ўз вақтида маҳал қилиб қабул қилиб олиш, уни қайта ишлаб, сифатли тола тайёрлашда пахта заводларининг роли каттадир. Бунинг учун ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш керак. Лекин Бекобод пахта заводида бу соҳадаги имкониятлар бой берилмапти. Завод тўла қувват билан ишламаётган.

Мўл, сифатли пахта тайёрлашда олтин кузнинг ҳар дақиқаси қадрига еттиш керак. Теримни ташкил этиш, машина теримини йўлга қўйишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун район партия, совет ташкилотлари, РАПОлар, хўжалик раҳбарлари зудлик билан зарур чора ва тадбирларни амалга оширишлари керак.

Баъзи бировлар машина терим тола сифатига таъсир қилади, биринчи сорт пахта ҳажмини қамайтириб юборади, дейишди. Илгор хўжаликлари, бригадаларнинг тажрибаси бу таъдирнинг асоссиз эканлигини кўрсатиб турпти. Масалан, ўтган йили Ғалаба районидан «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозда 70 процент пахта биринчи сортларга топширилди. Янгийўл районидан Ленин номи, Бўка районидан «Октябрь 40 йиллиги» қолхозлари ҳам юқори кўрсаткичларга эришди. Ҳамма гал теримни ташкил этиш, техника, ишчи кучларидан оқилона фойдаланиб, даладар ҳосилини барвақт йиғиб-териб олишга эришилди. Айтиш қуяларда агроноат комплекси ходимлари асосий диққат-эътиборини ана шу масалаларга қаратишлари керак.

Бу йил кўпгина бригада ва эвенюлар коллективларида дала ишлари пудрат усулида ташкил этилмоқда. Очинган айтиш керакки, ўтган йили бундай бригадаларнинг қўли-лигида йиғим-терим массукига келиб пудрат шартларини бузилганига йўл қўйилди. Натижада четдан ёрдамчи жалб этилди, терим чўзилди, ҳосил сифати, саломати пугур етди. Бу йил ўтган йилги хатоларнинг тақдорланганига йўл қўймаслик лозим. Пудратчи коллективларда йиғим-терим даврида ҳам шартнома мажбуриятларининг бажарилишига қатъий амал қилиш — ҳосилни барвақт йиғиб-териб олиш, мўл, сифатли «оқ олтин» тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Пахтазор — жасорат майдонига айланган бормоқда. Етиштирилган «оқ олтин» ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб, давлатга ўтган йилдагидан кўп юқори сифатли пахта топшириш учун ўзаро мусобақани авж олдирайлик!

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ОҚЎРҒОН

«ЛЕНИНИЗМ» қолхозининг Холдор Усмонов бошчилиги қилаётган бригадаси деҳқонлари ўтган кунги йиллик планнинг етти процентини миқдорда пахта тайёрлаб, энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар хўжаликда бригадалар-ро ташкил этилган мусобақада ҳам пеш-қадамлигини кўлдан бер-ишмапти. Коллектив механизаторлари Жўра Йўлдошев ва Давлат Мусурмоновлар бу йилги ҳосилнинг асос-ий қисmini машина-ларда териб беришга аҳд қилишган. Улар-нинг ҳар бири шу кун-гача 40 тоннадан ор-тиқ пахта териб берди-лар.

ҒАЛАБА

РАЙОН хўжаликларида машина терим ҳам бошлаб юборилди. Ўтган кунги Ленин номи қолхоз механизатор-лари районда биринчи бўлиб терим агрегатларини дала-ларга олиб чиқиди. Абду-вали Шерматов, Зокир Шер-матов, Рустам Фатхудинов, Анатолий Дё сингари тажри-бали механизаторлар даст-лабки кунинг 9—12 тонна-дан пахта териди. Бу йил хўжаликда 1430 гектар май-дондаги ҳосилнинг 90 про-центи машиналарда териб олинди.

БЕКОБОД

«ПОВЕДА» қол-хозининг тажрибали ме-ханизатори-ҳайдо в ч и с и Мавлон Боймуродов хўжаликда механизатор-лар ташкил этилган мусобақанинг беш кунлик якуни бўйича голиб чиқди. У ўз агре-гатда ўтган кунги 10

тонна пахта терди. Мавсум бошидан буюн уйган хирмони 30 тоннадан ошиб кетди. У бу йил 150 тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилган.

ШУ қолхозининг КПСС XXVII съезди делегати Бу-салим Турдубоева бошчи-лиги қилаётган бригаданинг қў-миниклограмми теримчи-лари уч ола-сингил Қурбо-ной, Ширин, Гулнора Жо-нмировавлар ўтган кунг энг кўп пахта териди. Улар мавсум бошидан буюн терим-да гайрат кўрсатмоқдалар.

ЯНГИЙЎЛ

ПАХТА тайёрлаш бў-йича район хўжаликлари ўр-тасида «Коммунизм» қолхо-зи кеча энг юқори кўрсат-кичга эришди. Хўжаликда йиллик планининг 4,09 про-центи миқдорда пахта топ-ширилди. Шу кунги даладар-да 20 та машина ишлатилиб,

улар ёрдамида 140 тонна «оқ олтин» терилди. Абду-халим Исоқов, Азизхўжа Рихсов, Хайриддин Ру-по-мов, Алим Азизхўжаев син-гари меҳнат-қайдочилар баракали меҳнат қилиб, бар-чага нобрат бўлишмоқда.

БЎКА

«ЛЕНИН ЙЎЛИ» қолхо-зи меҳнат-қай-довчиси Худойберди Латипов ўзига хос ре-корд қўйди. У тўрт кунда ўз агрегатда 43 тонна пахта терди. У меҳнат қилаётган бри-гада деҳқонлари бу йил ҳар гектар ердан 32 центнердан пахта йиғиштириб олишмоқ-чи. Бу ҳосилнинг асо-сий қисmini Х. Латипов терди.

ЧИНОЗ


«ПАРТИЯ XXIV СЪЕЗ-ДИ» совхозининг бир группа пенсионерлари йиғим-терим-да деҳқонларга қўмаклашиш-га аҳд қилишди. Айни кун-ларда пенсионерлар хўжа-лиқнинг Эламас Иброҳимов бошчилиги қилаётган брига-дасида меҳнат қилишмапти. Ўтган кунги «мадад» бри-гдаси аъзолари икки тонна «оқ олтин» териди. Норму-хаммад ота Абдуллаев, Ўроз ота Давиров, Турсунбой ота Эрзаевлар сингари меҳнат ветеранлари 30—35 кило-грамдан пахта териммоқда.

КОММУНИСТИК

РАЙОН пахтазорлари-да кундан-кунга терим агре-гатлари сони қўлайиб бор-моқда. Ўтган кунги даладар-да 52 та машина унумли ишлатилди. Бу борада «Ле-нинский путь» қолхо-зи ме-ханизаторлари барчага нобрат бўлишмапти. Улар бу йил ҳосилнинг 85 проценти-ни териб бериш учун кураш-моқдалар. Қолхозда ўтган кунги 17 та терим машинаси-нинг ҳаммаси далага олиб чиқилди.

ПИСКЕНТ

РАЙОН соғлиқни сақ-лаш бўлимида ёш саломат-лик посбонларида «Меди-к-86» зарбдор комсомол от-ряди ташкил этилди. Отрядга район марказий насалхона-си комсомол ташкилотининг секретари Дилфуза Йўлдо-шева бошчилиги қилмоқда. Отряд аъзолари «Гудистон» қолхо-зи пахтазорларида меҳнат қилишмапти. Улар ўтган кунги 3,5 тонна пахта териди. Комсомол-йиллар бу йил 50 тонналик хирмон уйишга сўз беришди.



ОҚЎРҒОН райони-даги «Партия XXII съезди» қолхо-зининг Турсунали Пу-латов бошчи бригадаси деҳ-қонлари бу йил 125 гектар майдоннинг ҳар гектари-дан мўлдатидан кўпроқ пахта йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Айни кунларда коллектив аъзолари йиғим-теримни уюшқоқли билан олиб боришмапти. Айниқса те-рим агрегатларидан самарали фойдаланилган. Бу йил бри-гадада асосий ҳосил машина-ларда териб олинди. Сура-да: бригаданинг илгор ме-ханизатор-ҳайдовчиси Ш. Ўтаев наватдаги бункерни бўшат-моқда.

А. Зуфаров фотоси.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 25 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кун-да тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буюн, тўртинчи устун машина терим — бир кунлик, бе-шинчи устун — мавсум бошидан буюн.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Чиноз	1,65	13,96	0,99	1,04
Янгийўл	2,03	12,16	1,90	4,26
Пискент	2,29	12,10	2,31	7,05
Бекобод	1,45	9,71	0,95	2,37
Оққўрғон	1,10	7,61	0,85	2,69
Ўрта Чирчиқ	1,52	5,11	1,73	4,04
Бўка	0,50	2,89	0,23	0,44
Ғалаба	0,46	2,00	0,23	0,38
Коммунистик	0,85	1,21	0,97	1,15
Область бўйича:	1,23	7,03	1,00	2,43

лар, қўлдан кўп расмийчилик ва масъулиятсизлик фактлари, аппаратда партия ва ҳукуматнинг ичкилибозлиги ва алко-голизмга қарши кураш тўғ-рисидаги қарорларнинг менсимаганилиги, интизомсизлиги ва ўзига нисбатан талабчан эмас-лиги учун Ангрн шаҳар пар-тия комитетининг биринчи се-кретари В. В. Березовскийга КПСС аъзоси ўчун қароқчи-сига баъзи шарт билан қатъий виговор эълон қилинди. У эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Янгибод шаҳар партия ко-митети иккинчи секретари Т. К. Раҳматуллаев Ангрн ша-ҳар партия комитетининг таш-килий бўлими мудири бўлиб ишлаган пайтда спиритли ичи-ликларини сунистеъмол қилган-лиги ва носоимийлик қилган-лиги учун Тошкент область партия комитети бюроси уни эгаллаб турган лавозимидан бўшатганилиги, унинг партия-вий масъулияти тўғрисидаги масала эса бошланган партия ташкилотда кўриб чиқилиш маълумот учун қабул қилин-ди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Тошкент область партия коми-тети эътиборини Ангрн ша-ҳар партия ташкилотидан иш-лар аҳолини ўрганишга рас-мий муносабатда бўлинганли-гига қаради ва мавжуд кам-чиликларни тўғатишда, аппа-рат партия ташкилотиданги маъ-навий-психологик вазиятни соғломлаштиришда шаҳар пар-тия комитетига ёрдам бериш учун дархол зарур чора-тад-бирларни қўришни топширди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси мажлисида партия, совет ор-ганлари ва жамоат ташкилот-ларининг ташкилотчилик ҳам-да сиёсий ишчи тоқомиллаш-тириниш бошқа баъзи маса-лаларни кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси қарор қилиб, шаҳар партия комитетига қаратил-ди.

Область партия комитети-нинг ташкилий-партиявий иш-лар бўлимига Ангрн ша-ҳардан келатган хатларни кўриб чиқинди йўл қўйил-ган камчиликлар кўрсатил-ди.

Ангрн шаҳар партия коми-тетининг 3. А. Ермолинани шаҳар партия комитети се-кретари вазифасидан тўғри бўшатганилиги таъкидланди. Бироқ бунда унга нисбатан партиявий одоб доирасида муомила қилинмаган, ортиқ-ча шомша-шомарликка йўл қўйилган, ишга жойлашти-риш масаласи бўйича у би-

ВАТАНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

25 СЕНТЯБРЬ кунги Тош-кентда Чиноз районидан «Октябрь 40 йиллиги» қол-хо-зининг раиси, Социали-стик Меҳнат Қаҳрамони Павел Федорович Саудилинг тағаналани вазията Ленин ордени билан «Ўроқ ва Бол-га» олтин медали топширил-ди. Ишлаб чиқаришдаги жу-да катта ютуқлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиш-тириш ва давлатга сотишни қў-лайитириш юзасидан белги-ланган ўн биринчи беш йил-лик топшириқларини ва со-циалистик мажбуриятлари-ни муддатидан алгари ба-жарганлиги ҳамда шавкатли меҳнати учун шу мукофот-ларга сазовор бўлган эди.

Ватаниннг юксак мукофо-тини Ўзбекистон Компартия-си Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиуми-нинг аъзоси И. В. Усмонов-жаев топширди.

ОБЛАСТЬ ПРОПАГАНДИСТ- ЛАРИГА ЁРДАМ

«Мамлакатни социал-ик-тисодий ривожлантиришни маддаллаштириш — КПСС-нинг стратегия йўли» сиё-сий маориф системаси учун асосий ўйвун курси шундай бўлади. Ишлаб чиқилган ўқув программалари коммунист-лар ва партиясиз ишчилар, қолхозчилар, раҳбарлар ва мутахассисларнинг кенг дои-расига мўлжалланган. Бу пропагандаистлардан чўқур билим ва ўқув жараёнини ташкил этишга табақалаш-тирилган ҳолда муносабатда бўлишни талаб этади. Шу муносабат билан фақат Тош-кентдагина эмас, айни вақт-да область шахарларида ҳам зонал семинарлари ўтказиш-га қарор қилинди. Олмалик зонаси пропагандаистлари би-ринчи бўлиб машғулотларни бошлаб юбордилар.

Тошкентнинг етакчи олим-лари область пропагандаист-лари хузурида партия соци-ал ва иқтисодий сиёсатининг муҳим проблемалари бўйича докладлар билан чиқадилар. Иш тажриблари ёзаро ўр-тоқлашлади, пропагандаист-ларни қизиқтирган масала-лар юзасидан консултация-ни олдиди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ларини танлашда, ўрганишда, келишишда система ва тар-тиб ўрнатилмаган. Кадрлар резерви расмийат учунгина яратилган.

Матбуотда илгари хабар берилганидек, камчиликка йўл қўйилганлиги учун Ангрн шаҳар партия коми-тетининг биринчи секретари В. В. Березовский ва Янги-обод шаҳар партия комите-тининг иккинчи секретари Т. К. Раҳматуллаев вазифа-ларидан бўшатилди.

Область партия комитети-нинг бюроси шаҳар партия комитети аппаратда носоғ-лом вазиятнинг келиб чи-ққанлиги, бошланган партия ташкилотлари ишда жид-

дий камчиликларга йўл қў-йилганлиги, салбий ҳолат-ларни баҳолашда принци-псизлик кўрсатилгани учун О. Турғунов Ангрн шаҳар партия комитетининг иккин-чи секретари вазифасидан озод қилинишга лойиқ деб таъкидлади. Бироқ унинг бу вазифада яқиндан бери иш-лаб келатганлиги ҳисобга олиниб, виговор эълон қи-линди.

Область партия комитети бўлимларининг эътибори мажмуд аҳолини бартараф этиш, маънавий-руҳий иқ-лимин соғломлаштириш бо-ласида Ангрн шаҳар партия комитети бюроси, секретар-лари ва аппаратга конкрет

ёрдм кўрсатишга қаратил-ди.

Область партия комитети-нинг ташкилий-партиявий иш-лар бўлимига Ангрн ша-ҳардан келатган хатларни кўриб чиқинди йўл қўйил-ган камчиликлар кўрсатил-ди.

Ангрн шаҳар партия коми-тетининг 3. А. Ермолинани шаҳар партия комитети се-кретари вазифасидан тўғри бўшатганилиги таъкидланди. Бироқ бунда унга нисбатан партиявий одоб доирасида муомила қилинмаган, ортиқ-ча шомша-шомарликка йўл қўйилган, ишга жойлашти-риш масаласи бўйича у би-

унинг оюроси, секретари яна ва аппарати кундалик ишлари тақрибиси ҳам жиддий равишда ўзгармади. Коллегиал оғанда муҳокама қилишга қўйиладиган қўпгина масалалар ишларнинг аҳволини ва уни ахшиллашнинг конкрет чораларини чуқур таҳлил қилмай шомша-шопарлик билан тайёрланган. Совет ва ҳўжалик оғранлари иштини тақорлаш ва уларнинг ишини қилиш давом этмоқда. Шаҳар партия комитетида сийсий ёндашувлар ва методлар еттишмапти. Партия ва ҳўкумат директиваларининг, ўз қарорларининг икроси еттишчилик контрол қилинмапти.

Бўларнинг ҳаммаси ҳўжага ва мадалий қўшишга салбий таъсир қўймоқда. Шаҳар партия комитети сўзда фар-техника тараққий-тини жадаллаштириш учун жон қўйдирмоқда. Бироқ бу йилги реконструкция ланларининг атиги учдан бири қисми беааралик қўл ола

